



Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2022-yil 29-aprel / № 15 (4674)

Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

ЮРТГА БАРАКА БЎЛИБ КЕЛГАН ОЙ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Бизларга Рамазон ойини, рўза тутишликни фарз қилиб берган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин. Бу амални умматга мукамал ўргатган Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллоллоҳу алайҳи ва салламга саловоту дурудларимиз бўлсин.



яратилиб, хатми Қуръонларга пухта тайёргарлик кўрилди. Шу билан бирга, ифторлик ўтказишда исрофга йўл қўймаслик ва муборак ой фазилатлари ҳақида имом-хатиблар томонидан мунтазам равишда тарғибот ишлари олиб борилди.

Қуръони карим хатмоналарини юқори савияда ташкил этиш учун юртимиз қорилари босқичма-босқич сараланди. Шунингдек, илк бора Тошкент шаҳри масжидларида таровеҳ намозларида ўқиладиган хатми Қуръоннинг кунлик жадвал тақсимоли ишлаб чиқилди. Унга кўра, хатми Қуръонлар рўзанинг биринчи кунидан бошлаб, 27 санаси — Қадр кечасида якунланиши белгиланди. Ушбу тартибнинг жорий қилишдан мақсад Қуръони карим тиловатидан кўпроқ баҳраманд бўлиш ва бир вақтнинг ўзида пойтахтдаги масжидларда муборак кечада жамланган Қуръон шайдоларининг дуолари барока-тига сазовар бўлишдир.

Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ Рамазон ойи юртимизда ўзгача фойдали ва шукуҳли кечиб, кечалари юртимиз нурга тўлди, десак янглишмаймиз. Чунки ҳар кеча мамлакатимиздаги бир ярим мингдан зиёд масжидларимизда 2400 нафардан зиёд қориларимиз таровеҳ намозларида Қуръони каримни хатм қилдилар.

Аллоҳга беҳад шуқроналар бўлсинки, юртимиз мўмин-мусулмонлари бу йилги муборак Рамазон ойини тинч ва осуда, кўтаринки руҳда, кундузларини рўздор ҳолда, кечаларини тоат ва ибодатда ўтказиб, масжидларда таровеҳ намозларида қориларимиз томонидан ўқилган хатми Қуръонларда иштирок этиб, иймон ва ихлосларини янада зиёда қилдилар. Албатта, бу Аллоҳнинг бизга берган энг катта неъмат ва юртимиздаги тинчлик ва оқойишталикнинг шарофатидир.

Шукрки, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлохотлар, янгидан очилаётган масжид-мадрасалар, қайта чирой очаётган қадамжолар мўмин-мусулмонларни чексиз мамнун этмоқда. Шу билан бирга, ҳар йили Рамазон ойи ҳамда иккала ҳайит — Рамазон ва Қурбон байрамлари арафасида давлатимиз раҳбарининг қарори қабул

қилиниши динимизга, маънавий-маърифий соҳага қаратилаётган эътиборнинг амалдаги инъикосидир. Айниқса, бу айём кунлари дам олиш кунларининг кўпайтириб берилаётгани мўмин-мусулмонларни яна ҳам хурсанд қилиб, айёми муносиб тарзда ўтказишга хизмат қилмоқда.

Жорий йил ҳам Президентимизнинг "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унда Рамазон ойини халқимизга хос меҳр-оқибат ва шуқроналик туйғуларини юксалтириш, эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилган барча мўмин-мусулмонларни мамнун этди. Қарор доирасида Республикаимизнинг барча жоме масжиди ва идора бўлимларида Рамазон ойини муносиб ўтказишга ҳаракат қилинди. Хусусан, мўмин-мусулмонларнинг эркин ибодат қилиши учун масжидларда қулай шарт-шароитлар

Баҳор ўлкамизга ҳамиша бетакрор байрамлари билан ташриф буюради. Кўламнинг илк кунларидан бошланган гўзал баҳорий тадбирлар айни кунларда Хива шаҳрида давом этди. Апрель ойининг сўнгги кунлари ўзига хос миллий рақс анъаналарига эга бўлган Хоразм диёрига бебаҳо байрам — "Лазги" халқаро рақс байрами шуқўҳини олиб кирди.

ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН «ЛАЗГИ»

ЮНЕСКО, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги ва Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивалда ўттиздан зиёд давлатдан икки юзга яқин истеъдодли раққосалар, профессионал рақс жамоалари, рақс санъати усталари, мусиқашунослар, санъатшу-

дан, табрикда таъкидланганидек, "Миллий рақс санъатимиз тарихида алоҳида ўрин эгаллайдиган, таъбир жоиз бўлса, унинг гултожи бўлган "Лазги" рақси ўзининг чуқур ҳаётий фалсафаси, бетакрор ижро усули ва жозибаси билан нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам кенг шуҳрат қозонган...



нослар, санъат ва маданият арбоблари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашмоқда. Улар орасида тўртта давлатдан келган олита журналист ҳам тадбирни ёритиб борапти.

Президентимиз Хива шаҳрида ўтаётган халқаро фестиваль қатнашчиларига табрик йўллади. Жумла-

"Лазги" рақси ўзининг бекиёс сеҳри, жозибаси ва таровати билан дунё саҳналарини ҳам забт этиб, турли миллат ва элатларни бирлаштирувчи таъсирчан санъат воситаларидан бири сифатида тобора сеvimли бўлиб бормоқда. ЮНЕСКО халқаро ташиклоти томонидан 2019 йил

12 декабрда Хоразм "Лазги" рақси Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатида киритилгани ҳам буни тасдиқлайди".

Эътиборлиси шундаки, Хива осмони нафақат куй-кўшиқлар жаранги, рақслар оҳанги билан тўлди,

академиясининг фахрий профессори" унвони топширилди. Маданият вазири О.Назарбеков унвонни топширар экан, устоз санъаткорнинг миллий рақсимиз ривожидида, "Лазги" рақсининг Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатида ки-

ритилишидаги бекиёс хизматларини таъкидлади.

— Шу кунларда Хивада бўлиб ўтаётган халқаро "Лазги" фестивалида қўраётганларим менга бекиёс қувонч бахш этмоқда, — дейди Гавҳар опа. — Аввало, бугун "Хореография академиясининг фахрий профессори" унвонига лойиқ кўрилганим, қолаверса, дунё аҳлининг қадим санъатига бўлган катта меҳр-муҳаббати қалбимни тўлқинлантириб юборди. Миллий рақсимиз ривожига ҳисса қўшаётганим, "Лазги" дек бебаҳо рақсчи тарғиб ва ташвиқ этишдаги меҳнатларим беиз кетмаётганидан хурсандман.

Иштирокчиларнинг чиқишларини дунёнинг олтида давлатидан ташриф буюрган нуфузли ҳакамлар ҳайъати "Энг яхши яккахон рақс ижроси", "Энг яхши рақс жамоаси", "Энг яхши саҳналаштирилган рақс" номинациялари бўйича баҳолаб бормоқда. Шу билан бирга, энг яхши рақс, хореограф, ёш раққоса ёки раққос учун ажратилган рағбатлантирувчи мукофот ва совғаларнинг эгалари ҳам аниқланади.

Г.УМАРОВА



МУНОСАБАТ

ТОЛЕИ КУЛГАН ВОҲА

Барқут либосларини кўз-кўз қилиб безанган баҳор ҳар йили Тахтақорача довонидан пастга энаркан, беихтиёр чучмомаю қоқиғулларнинг кўзларини яннатиб юборади. Қўшни Туркманистон ҳудудларигагача ястаниб ётган бепоён Помуқ кенгликларидаги биз ҳатто номини ҳам билмайдиган гулу гиёҳлар ҳиди бутун оламни тутиб кетади.

Бир замонлар бағрида Бойчибор туёқларининг дуқури қолган Деҳқонобод тоғларининг бетакрор ҳусни жамолию кўҳна Самарқанд ҳудудларигагача ястаниб ётган Чирокчининг ям-яшил далаларидаги алвон лолалар жилваси юракка ўт, гулкан солади. Ҳа, Она Ўзбекистоннинг олтин бўлаги, кундан-кунга чирой очаётган Янги Қашқадарё — бу!

Адоқсиз яйловларида қўй-қўзиларини ўтлатиб юрган чўпон-чўлиқдан тортиб, эккан ҳар бир гиёҳи қайғурадиган бободоҳқонгача барчаннинг интиқиб кутгани — шаррос ёмғирларнинг, осмон-

дан ризқ-насибанинг ёғиши айнан Президентимизнинг Қашқадарёга ташрифи кунларига тўғри келишида ажиб сир, қут-барака бордек.

Ташриф Қўқдала туманидан бошланди. Давлат раҳбари ушбу туманда янги иш бошлаган тикувчилик корхонасини кўздан кечириб, бу ерда фаолият юритаётган хотин-қизлар билан юзма-юз мулоқотда бўлди. Сўнг янги туман маркази — Еттиотом шаҳри инфра-

тузилмаси яхшилаш лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди. Президент Қўқдала туманини ривожлантириш учун уч йил ичида икки триллион сўм ажратилишини мамнуният би-

лан қайд этди. Еттиотом шаҳарчасида туман ҳокимлиги ва маҳаллий идоралар учун бинолар, «Янги Ўзбекистон» массиви, боғча ва мактаблар, поликлиника, истироҳат боғи, халқаро аҳамиятга эга йўл бўйида хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуалари барпо этилади. Ички йўллар таъмирланиб, тоза ичимлик суви ва электр тармоқлари қурилади.

— Бу ерда ҳам турли қуёш электр станцияси, шамол электр станциялари очамиз. Ёшларимиз унда ишлашади. Менинг келишимдан мақсад — Қашқадарё аҳлини уйғотиш, — деди Президентимиз.

Ўзбек халқи етимларни ҳеч қачон кўчада қолдирмаган. Миллий қадриятларимизга ҳамоҳанг равишда давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан уларга алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда.

МУЛОХАЗА

Тан олиб айтишимиз керак, бугунги кунда болаларнинг китоб ўқишга бўлган иштиёқи ҳавас қиларли даражада эмас. Бунинг сабабларини, одатда, замонавий технологиялардан, хусусан, ижтимоий тармоқ ёки турли компьютер ўйинларидан ахтарамиз, болаларни дангасаликда айблаيمиз. Нега китоб ўқимайсан, деб қойиймиз. Балки бунинг бошқа сабаблари ҳам бордир? Болалар адабиёти намуналари камлиги, болаларга мўлжалланган газета ва журналларнинг адади йилдан-йилга камайиб бораётгани ҳақида эса, ўйлаб кўрмаймиз.

БОЛАГА КИТОБ БЕРАЙЛИК

Ёдимда, мактабда устозларимиз бизга Пулат Мўмин, Зафар Дийёр, Қудрат Ҳикмат, Қуддус Муҳаммадий, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Абдурахмон Акбар каби болалар шоирларнинг шеърларини ёдлатар эди. Ҳўш, ҳозир аҳвол қандай? Афсуски, 1-4-синф ўқув китобларида ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар деярли учрамайди. Ўқувчилик йилларимизда синфдошлар орасида "У ким,

бу нима?" деган ўйин бўларди. Навбатма-навбат бир-биримизга Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳий, Машрабдек мумтоз шоирларнинг ёхуд замонавий ўзбек болалар шоирларининг ҳаёти ва ижодига оид саволлар берар, кимдир ик-диланиб қолса, туртки бериб эсла-тишга уринардик. Олган билимларимиз шу тариқа мустаҳкамланиб, хотирамизга муҳрланиб қоларди. Яқинда шу ўйинни бир дўстим би-

БАҲОРИМҲА

Гул очдинг,
Сафинда ўзга фасларлар
Очилмоқ ишқиди қолди ҳавасда.
Кузда таслим бўлган новдалар қўлин
Гунчага тўлдириб қўйдинг бирпасда.
Зулматга камбағал, гулга бой фаслим,
Менинг Зухро фаслим,
Менинг Ой фаслим.

Сўз ёздинг қирларга — ўқийди қуёш,
Тунлари юлдузлар айлайди такрор.
Мен сени тинглайман — кўзда томчи ёш,
Мен сенинг ҳаёлинг англайман, баҳор!

Шоирсан, дарвешсан, савдойи фаслим,
Менинг Машраб фаслим,
Навоий фаслим.

Бир сурур қўраман Боботоғингда,
Ғубдину Ҳисорим — кўкси ғалаён.
Тоғларим соғинчи эриқан бунда —
Унинг ҳузурда сенсан намоён.
Сен тоғсан — қўнботар, тонготар фаслим,
Менинг Ойқор фаслим,
Нурота фаслим.

Мунча бағрикенгсан, мунча мард, танти,
Яна чиройингга дунё ишқивоз.
Тинглайман — энг мумтоз оҳангга татир,

ШЕЪРИЙ ЛАХЗА

Сувларнинг овози келмоқдадир соз.
Илҳомим тошади бир дарё, фаслим,
Менинг Амурдёр,
Сирдарё фаслим.

Сен ўзи юртимга эгизсан азал,
Қўкка буй чўзмоқда Хива, Бухоро.
Баҳорим, сен ўзинг Қўқонга сайқал,
Баҳорим, сен ўзинг водийга оро.
Ўғлимга, қизимга новвот-қанд фаслим,
Менинг Тошкент фаслим,
Самарқанд фаслим...

Шоди ОТАМУРОД

ЮРТГА БАРАКА БЎЛИБ КЕЛГАН ОЙ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Уларга соме бўлувчи, Илоҳий каломга муҳаббатли тингловчилар ҳам ҳар йилгидан кўпайиб, масжидларимиз намозхонлар билан тўлди. Қолаверса, 50 дан зиёд масжиддаги энг моҳир қорилар томонидан ўқилаётган хатми Қуръонлар ижтимоий тармоқларда жонли-онлайн тарзда узатишмоқда. Бу эса жаҳон афкор оммасининг юртимизда бўлаётган Қуръони карим хатмоналаридан баҳраманд бўлишига ҳамда хорижда юрган юртдошларимизнинг Қуръонга, Ватанларига муҳаббатлари янада кўбда бўлишига сабаб бўлди.

Шу ўринда бир ҳолатни эслаб ўтиш жоиз. Авваллари юртимизда санокли масжидларда Қуръони карим хатм қилинар, қорилар Миср, Туркия, Саудия Арабистони каби давлатлардан таклиф этилар эди. Шукрки, бугун бизнинг олим қориларимиз дунёга чиқишмоқда.

Бир неча йилдан буён хориж давлатлари диний идораларидан келган таклифлар асосида уламо ва қориларимиз чет мамлакатлардаги диний-маърифий тадбирларда иштирок этиб, тарових намозларини адо этиб бермоқдалар. Жорий йил ҳам юртимизнинг бир гуруҳ етук уламолари АҚШ ва Россия Федерациясининг турли жойларида Рамазон ойи якунига қадар хатми Қуръон ва тарових намозларда қатнашиб, маърифий суҳбат қи-

либ бериш баробарида турли тадбирларда ҳам иштирок этиб, эътирофларга сазовор бўлишди. Бу ҳам ўз навбатида юртимизда илму маърифатга берилаётган эътиборнинг самараси десак, муболаға бўлмас.

Зеро, жорий йилнинг 8 апрель куни — муборақ Рамазон кунларида давлатимиз раҳбарининг пойтахтимиздаги Ислон цивилизация маркази мажмуасига ташриф буюриб, илму маърифат марказини кўркам ва сифатли қуриш билан бирга, унинг мазмунига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаганлари ҳам мамлакатимизда илмга берилаётган юксак эътибор намунасидир. Шунингдек, Президентимиз Ислон цивилизацияси маркази халқимизнинг маънавий қудрати қай даражада эканини кўрсатиши кераклигини ҳам қайд этиб, бу марказдан келгусида улуг алломаларимиз каби етук уламою олимлар етишиб чиқиб, ислон маърифатини кенг ёйишга хизмат қилишини таъкидладилар.

Албатта, юртимизда бўлаётган бундай ўзгаришлар дунё миқёсида ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 14–17 апрель — Рамазон кунлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси делегацияси Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар диний идоралари раҳбарларининг I йилгилишида иштирок этиб, салмоқли таклифларни илгари сурдилар. Туркия диёнат ишлари бошқармаси раиси Али Эрбош амалий ва долзарб аҳа-

миятга эга бўлган мана шундай таклифлар учун миннатдорлик билдириб, уларни келгусида амалга оширишга тайёр эканини маълум қилди. Шунингдек, мазкур сафар чоғида халқаро анжуман ташкилотчилари юртимиз делегациясига, Ўзбекистон мақомига мос ва хос тарзда эҳтиром кўрсатди.

Гапнинг индаллоси, Рамазон ойи бизга чин маънода баракали келди, дейишимиз мумкин. Чунки бу ойда тўхтовсиз хатми Қуръонлар, гўзал маърифий суҳбатлар, халқаро доирадаги эътирофлар бардавом бўлди. Шунингдек, халқимиз бу ойни тақвою ибодат, ўзаро меҳр-муруват, хайру саховат улашати билан ўтказиб, доим яхшиликлар пайдидан бўлдилар. Иншааллох, Аллох таоло бу амаллар савобини, ҳадиси шарифларда марҳамат қилинганидек, ҳар бир қилинган амалнинг эвазига 70 тадан 700 тагача савобини беради.

Яна бир гап. Ўтган Рамазон ойи беҳад шукроналар айтиш оий бўлди. Чунки айни кунда дунёнинг айрим жойларида урушлар, тўс-тўполон, табиий офатлар бир дам тўхтагани йўқ. Шукрки, Ватанимиз тинч, дастурхонларимиз тўкин-сочин, халқимиз ҳаёти кундан-кунга фаровон бўлиб бормоқда. Иншааллох, бундай фаровонлик янада тўқис бўлади. Чунки Рамазон оийда юртдошларимиз кўнгиллар эриган, қалблар уюшмаган дамларда Яратгандан юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини сўраб, дуою илтижолар қилдилар.

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Жумладан, Қашқадарёда ҳам бу ташаббус кенг қулоқ ёйди. Биринчилардан бўлиб Китоб туманидаги 5-сонли, Қамашидеги 4-сонли Меҳрибонлик уйлари ёпилди. У ерда тарбияланганларнинг бир қисми яқинлари бағрига қайтди, бир қисми оилавий болалар уйларига қабул қилинди. Президент етимларнинг бошини силаган Ҳусан Холлиев, Шокир Сунонов, Бахтиёр Тўраев оилалари билан учрашиб, уларга миннатдорлик билдирди.

ТОЛЕИ КУЛГАН ВОҲА

Ташриф давомида Косон туманидаги "Косон" фермер хўжалиги далаларидаги ғалла ва ғўза ривож кўздан кечирилди. Фермер хўжалигининг пахта ва ғалла далалари атрофига ток, тут ва ошқовоқ экилган. Бу тажрибани оммалаштириш, барча кластер ва фермер хўжаликлари далалари атрофидидаги бўш жойларда мева-сабзавотлар етиштириш зарурлиги таъкидланди. Сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга оид лойиҳалар муҳокама қилинди. Косон туманидаги "Бунёдкор" пахта-тўқимачилик кластерининг ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти ҳам ўрганилди. Туркия ва Италиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган мазкур корхона йилгига олти миллион дона тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Айни пайтда фабрикада 320 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Косон туманидаги "Ишга марҳамат" мономарказида эса техника ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш йўлга қўйилган. Нафақат Косон, балки қўшни туманлардаги ишсиз фуқароларга 2 ойдан 6 ойгача давом этадиган курсларда дарс бериб келинмоқда.



Давлат раҳбари Косон туманидаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда қўрилаётган "Янги Ўзбекистон" мавзесини ҳам бориб кўрди. Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Уйланинг сифатли қўриқлиши ва ҳамёнболлигига алоҳида эътибор қаратилди. Касби туманидаги олти минг нафардан зиёд аҳоли яшайдиган "Қамаш" маҳалласида "Обод қишлоқ" дастури доирасида амалга оширилган ишлар, яратилган шарт-шароитлар, хусусан, санъат ва спорт тўғрисидаги фаолияти ҳам кўздан кечирилди.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан

ташқари сессиясида, Президентимиз томонидан эътироф этилганидек, бу йил Қашқадарёда ижтимоий соҳа ва инфраструктура муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча 360 миллиард сўм ажратилади. Шунингдек, халқаро молия институтлари маблағларидан 100 миллион доллар имтиёзли маблағлар йўналтирилиши ҳам кўзда тутилган. Хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд аёлларга уй-жой сотиб олиш учун субсидиялар ажратиш, муҳтож ва уй-жойсиз ёлғиз аёлларни ижтимоий уйларида жойлаштириш, ёлғиз ва муҳтож аёлларнинг фарзандлари учун давлат боғчала-

ри тўловини ҳамда талаба қизларнинг контракт пулларини бюджетдан қоплаш масалалари юзасидан қўшимча топшириқлар берилди, маблағлар ажратилди.

Сессияда Косон тумани фаоллари томонидан Абдулла Орипов номи билан боғлиқ танлов уюштириш таклифи билдирилди. Президент бир йил муддатда шоир ҳаёти ва ижодига оид фильм ишлаш ҳақида кўрсатма берар экан: "Мен у инсонни яхши танирдим, кўп ҳамсуҳбат бўлганман. Битта шеър ёзиш учун ўнта китоб ўқирдилар", деди.

Президент Амир Темурунинг жанг маҳорати ҳақида ҳам гапириб: "Имконим бўлиши билан китоб ўқишга ҳаракат қиламан. Ўша кун бир соатча бўш вақтим пайдо бўлиб қолганди, Амир Темуру ва Тўхтамшихон ўртасидаги жанг тарихини ўқидим. Буюк саркардаимиз қандай ғалаба қозонгани менга жуда қизиқ эди. Тўхтамшихон ҳам осонликча ютқазмаган экан. Бунда Амир Темуру бобомизнинг юксак тактика ва стратегияси, довурақлиги иш берган. Ўзимга ҳам ёзиб олдим, Амир Темуру жангда еттига усулни қўллаган экан. Биз нега шу каби буюк аждодларимиз тарихини яхши ўрганмаймиз? Узоқ йиллар ура-ура билан умуман бошқалар тарихини, бошқалар ғалабасини миямизга синдиришганди. Мутасаддиларга топшириқ бердим, биз биринчи навбатда ўзимизнинг боболаримиз тарихини ўрганишимиз керак. Сиз қашқадареликлар англаб етишингиз керак, шундай улуг инсон сизларнинг бевосита аждодингиз бўлади", деди давлатимиз раҳбари.

Ташриф барча соҳа вакиллари қатори биз ижодкорларни ҳам илҳомлантирди. Шу ўринда кундан-кунга ўзгараётган, одамлари эртанги кунга юксак ишонч билан боқаётган Қашқадарё ҳақидаги Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрларини эслаш айни муддаодир:

**Тўққан хонадонин ҳар ким ёд этган,
Мен учун сен шундоқ улкан маъвосан.
Тониб қайга бордим, бобомдан ўтган,
Толеимга битган Қашқадарёсан.**

**Ғулом АБДИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари**

ЎЗ ИШИМДАН МАМНУНМАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан мактабларда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилганига бир йилдан ошди. Элимиз суйган ёзувчи, шоирлар ва журналистлар мактабларда ўқувчилар билан ҳамкорликда ишламоқда.

Ўзим фаолият юритаётган Нукус шаҳридаги 47-ихтисослаштирилган мактабнинг адабиётсевар ўқувчиларини, уларнинг адабиётга, ижодга иштиёқини кўриб, болаликдаги беғубор орзулар эсга тушади. Ҳа, биз ўз шеърларимизни кимгадир кўрсатиб, қандай ёзилганини билишга ҳам ийманардик. Биргина умид адабиёт ўқитувчисидан эди. Ўқувчиларимни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети раиси Шерзод Қудрат-хўжаев, университет ўқитувчилари ҳамда уюшма аъзолари иштирок этди. Меҳмонлар университетда талабаларга яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Талабалар ўқувчилар намоийш этилди. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон янги шеърларидан ўқиди. Таниқли ижодкорлар Аҳмадjon Мелибоев, Баҳодир Қобул ушбу меморандум ўзбек адабиёти ва журналистикасини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди. Маросим сўнггида университет кутубхонасига бадиий китоблар совға қилинди.

шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш керак.

Мактабимизда таниқли ёзувчи шоирлар билан ижодий учрашувлар ўтказиш аъёнага айланган. Тўғарак аъзолари Нукус шаҳридаги Иброҳим Юсупов номидаги ижод мактабига тез-тез ташриф буюриб, тажрибали устозлару истеъдодли ёш қалам-кашилар билан фикр алмашиб туришди, мушоиралар ташкиллаштирилди.

Айниқса, ўқувчиларнинг ижод намуналари туман, вилоят ва республика газети, журналларида чоп этилганида, беғубор кўзлардаги самимий нигоҳларга боқиб, беихтиёр қилаётган ишиндан мамнунлик ҳиссини туюсан, киши. Ҳа, улар ички кечинмаларини қозғога туширар экан, аввало, ўз

машқларига ҳолис баҳо ва йўл-йўриқ бергучи устозни излайди. Шеър ёки ҳикоя бўлсин, устоздан ўзи кутган гапни эшитмагунча тинчимаيدики, бу адабиёт оламидан хабардор кишига таниш ҳолат. Шундай пайтда йилт этган учкунни аланга олдириш ҳам, буткул сўндириб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас. Бу жуда мураккаб ва завқли жараён.

Дарҳақиқат, ижод нозик қалб эгаларининг иши, кўнгил мулки. Демакки, ижодга илҳақ издошларимизнинг нозик кўнгли билан, қалб тугёнлари билан ишлаётганимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

**Сарвиноз МУСАТДИНОВА,
Нукус шаҳридаги
47-ихтисослаштирилган мактаб
тарғиботчиси**

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

2015 йили чоп этилган 5-синф адабиёт дарслиги халқ оғзаки ижоди, топишмоқлар билан бошланиб, аллома Имом Бухорий ҳаётига улаиб кетган. Ваҳоланки, зинага ҳам останада чикалади. Донишманд шоиримиз Абдулла Орипов таърифлаганидек, "Ҳар қандай ёзувчи, шоир катта адабиётга болалар адабиёти орқали кириб келади". Мазкур дарсликка Жонатан Свифт, Эзоп, Ханс Кристиан Андерсен, Антуан де Сент-Экзюперидек жаҳон болалар адабиёти вакиллари ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар билан бирга уларнинг асарларидан намуналар ҳам киритилган. Албатта, болалар жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўлишлари керак. Аммо 5-синф адабиёт дарслигида нега бирорта ҳам ўзбек болалар адаблари йўқ?

Тўғри, дарслик 2020 йилда янгиланди, Анвар Обиджон ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар ҳам асарлари билан бирга унга ки-

Ойбекнинг Ўзбекистон Ёзувчилар союзига раис вақтлари. Кунларнинг бирида ёзувчи кабинетига устида йиртиқ кўйлак, бошида эски дўппи, оёқ яланг бир йигит кириб келди. Шимининг чўнтагидан тўрт букланган бир қоғозни олиб: „Эшитинг, Ойбек ака, шеър ўқийман“, деди. „Ўқинг, ўқинг“, деди Ойбек. Йигит шеър ўқиди. Шеърни ўқиб бўлиб, у адибдан ўзининг асари ҳақида бирон нарса эшитгиси келди, албатта. Лекин Ойбек ҳеч нарса демади. У шеърни эҳтирос билан ўқиб берган йигитга бошдан-оёқ разм солиб қаради ва секин ўрнидан туриб, уни эгсатириб "Лиффонд" раисининг олдида олиб кирди. Йигит янаги сафар Союзга келганида янги костюм-шимда эди". Ойбекнинг эътиборини қозongan бу йигит атоқли болалар шоири Қудрат Ҳикмат эди.

Бугунги кунда ҳам болалар адабиётига, жумладан, ёш ижодкорларнинг илк китобларини чоп этиш, оилали ёш қаламкашларни уй-жой билан таъминлаш масалаларига ҳар доимгидан кўнрок эътибор

қаратилмоқда. Аммо ўтган асрда яшаб ижод қилган салафларимизнинг бадиий меросига, адабий қадриятларига бир қадар панжа орасидан қаралаётгандек. Ҳа, бу йил болалар адаблари Пўлат Мўминнинг 100, Зафар Дийёрнинг 110, Қуддус Мухаммадийнинг 115, Абдурахмон Акбарнинг 60, Анвар Обиджоннинг 75 йиллиги кенг нишонланади. Аммо, таассуфки, уларнинг ҳаёти ва ижодини бугунги ёшлар яхши билмайди.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиб, илм-фанга эътиборни кучайтираётган эканмиз, аввало, болалар адабиётини янада ривожлантиришимиз, мактабларга болалар матбуотини қайтаришимиз керак. Болалар ижодкорларини жамлаш ва бу йўналишдаги барча муаммоларни ҳал қилиш учун Республика Болалар адабиёти марказини ташкил қилиш керак, назаримда. Агар шундай марказ бунёд этилса, нафақат болалар шоирлари ва ёзувчилари учун, адабиётга эндигина қадам қўяётган ёшлар учун ҳам имконият яратилган бўлар эди.

**Наима АНВАРОВА,
Ўзбекистон Миллий университети
талабаси**

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ



ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Яқинда Тожикистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Абдужаббор Азиз Раҳмонзода Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ташриф буюрди.

Уюшма раиси Сирожиддин Саййид ташрифдан мамнунлигини билдирган экан, давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари азалдан бардавомлигини таъкидлаб, бугунги кунда Тожикистон адабиёти кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритди.

Элчи жаноблари самимий меҳмондўстлик, илиқ ва дўстона муносабат учун ташаккур билдириб, ўзбек ижодкорларини Тожикистон Ёзувчилар иттифоқига аъзо қилиш, шунингдек, икки миллат адабларининг ижод намуналари жамланган "Альманах" нашр этилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Аҳмадjon Мелибоев, Нурбой Жаббаров ва бошқалар мамлакатимиз олий ўқув юртларида тожик адабиёти тарғиботига оид ишлар ҳақида гапиришди. Хусусан, Тожикистонда нашр этиладиган "Шарқнома" журнали бош муҳаррири Жамшид Примовнинг, хўжандлик адиб Ўринбой Усмоновнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилингани, Самарқандда "Дурдонаи Шарқ" номли янги журнал нашр этилаётгани эътироф этилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 68 йиллиги муносабати билан ижодий сайл ўтказилди.

Сайл давомида Адиблар хиёбонидаги шоир ҳайкали қошида талабалар томонидан Мухаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига оид саҳна кўриниши намоийш этилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сиро-

жиддин Саййид, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Иброҳим Йўлдошев шоир ижодини чуқур ўрганиш, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапиришди. Талабаларга уюшма томонидан чоп этилган янги китоблар совға қилинди. Улар ҳам ўз навбатида Ёзувчилар уюшмасига Мухаммад Юсуфнинг саккиз тилга таржима қилинган янги шеърлар тўпламини тақдим этди. Ёш қаламкашлар ва мусаввирлар ўртасида Мухаммад Юсуф шеърлари асосида "Бахрубай" мушоираси

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўртасида ўқув-ижодий, маънавий-маърифий жараёнларда ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Шерзод Қудрат-

хўжаев, университет ўқитувчилари ҳамда уюшма аъзолари иштирок этди. Меҳмонлар университетда талабаларга яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Талабалар ўқувчилар намоийш этилди. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон янги шеърларидан ўқиди. Таниқли ижодкорлар Аҳмадjon Мелибоев, Баҳодир Қобул ушбу меморандум ўзбек адабиёти ва журналистикасини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди. Маросим сўнггида университет кутубхонасига бадиий китоблар совға қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Галина Долгая мамлакатимизнинг қадим тарихи мавзусида қалам тебратиб келади. Унинг "Қўзнинг ҳаёлий жозибаси", "Қора қумлар шивирини", "Буюк Темуру ҳақи-

да триптих", "Мени кашф эт!" каби насрий китоблари шулар жумласидандир.

Қуни кеча уюшмада бўлиб ўтган тақдиротда муаллиф ўзининг "Югурик сувлар қўшиғи" номли романини тўғрға этди. Асар милодининг III асри воқелигидан ҳикоя қилади. Унда воқеалар асосан Марказий Осиёнинг муҳим тарихий ҳудудларидан бирида, айнан Нахшабда — Қашқадарё водийсида жойлашган, Буюк Ипак йўли марказларидан бири бўлган Жанубий Сўғда рўй беради.

Романи мутлоа қилаётган ўқувчининг кўз ўнгиде тарихий шаҳарлар, қарвон йўллари, қадим дарёлар ва уларнинг ҳаётбахш сувидан қувват олиб яшаётган далалар, қўналғалар, қишлоқлар намён бўлади. Асар китобхоннинг қадим тарихимизнинг ажралмас бўлаги ҳисобланган Нахшабдек бой, сирли ва жумбоқли ўлка ҳақидаги тасаввури кенгайишига имкон беради.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА

БАҲОР КҶҲАСИ



ҚАДР ҚУВОНЧИ

Инсон қадри — қадим мерос,
Ўзбекка хос урф-одат,
Инсон қадрин билганларда
яшар меҳр-саховат.

Юракларнинг ўти олов,
гулханларга ўхшайди,
Файратлари бунёдкорлик,
жасоратга бошлайди.

Инсон қадри бор Ватанда
халқ турмуши яшнайди,
Юртни обод этганларда
чин садоқат яшайди.

Қўлни-қўлга узатган эл —
қадрдонлар яшайди,
Бахт чирогин ёқиб берган
меҳрибонлар яшайди.

Бошим узра учиб ўтган
Ҳумо қушин ўзи экан,
Алвон-алвон очилган гул
Армонларим юзи экан,
Сабр таги олтин эмас,
Баҳоси йўқ қадр экан,
Эзгу ният, ҳалол меҳнат
Қадриятга қодир экан.

БАҲОР

Баҳор кўчасидан ўтиб бораман,
Икки қирғоғида икки ҳаётим.
Шуқурлар бўлсинки, гулшан ароман
Ёнимда тинчмас илҳомим оти.

Ерда ҳам, кўкда ҳам ягона юртим,
Санамлар макони оламга аён.

Не-не диёрларда пиёда юрдим,
Ўзбек гўзалидек кўрмадим аёл!

Қиши ҳам, ёзи ҳам, кузи ҳам баҳор,
Ўлкамдан баҳорлар ҳеч аримасин.
Бу кўклам Ватанда мард эрларки бор,
Ўзбек аёллари ҳеч қаримасин.

ХОТИРА МАЙДОНИДА

Ассалом кўзёш бўлиб тўкилар бунда,
Тасалло кўзёш бўлиб тўкилар бунда.
Соғинчлар кўзёш бўлиб тўкилар бунда.
Ўкинчлар кўзёш бўлиб тўкилар бунда.

Мангу олов ўчоғида ёш ва қон — уммон,
Ҳароратга айланмоқда висол ва фироқ.
Замонамиз қалбидаги чироқ — бу олов,
У келажак қўлидаги аланга байроқ!

Муҳаббатнинг рангидай ёнар оловлар.
Шаҳидларга таъзим этар келин-куёвлар,
Олов ичра нидо келар: "Яша, Муҳаббат!"
Сен мен каби олов бўлиб қолмагин фақат.

ТЎРТЛИКЛАР

Жоним менинг шеърият,
Кўкдан тушган фариштам,
Сен ҳаётим чирोगи,
Асло қолма ёнишдан...

Оппоқ қоғоз—экинзор майдон,
Шудгор қилар омочдай қалам,
Ҳамкор меҳнат ҳосили хирмон,
Бу китоблар ҳосили байрам.

Ортда қолди баланд-паст йўллар,
Кўрдик қувонч ташвишларни ҳам.
Тугамасин роҳатбахш йиллар,
Фарзанд бахтин кўрайлик баҳам.

Китоб вароқларим мисоли йиллар.
Бугунни эртага улайди улар,
Ҳар куни янги бир саҳифа ҳаёт,
Янгидан яралар олам, одамзод...

Муҳаббат Йўлдошева



Дарвоза олдида турган ва гўё тўйга кетаётган-
дек ясашиб олган дадаси Санобарнинг қўлига кич-
кина оппоқ кўзичоқ тутқазди.

— Асал қизим, бу сенга ҳайитлик! Эслик қиз бў-
либ, ойинг ишга кетганида укаларингга қараб ўтир-
гин, хўпми?!

— Дадажон, мениям олиб кетинг! — ялинди да-
дасини соғинган қизча кўз ёшларини тия олмай.
— Мен узоққа кетяпман, қизим, сени кейинроқ
олиб бораман...

Шу пайт қайноқ нимадир Санобарнинг юзи-
ни куйдирди. У чўчиб кетиб, шундоқ қарасаки...
ўзининг ўрнида ётибди, ёнида онаси энгашиб
турибди. Кўз ёшлари юзини юваётган Сабоҳат
қизини маҳкам кучоғига босиб, тинмай "Қизим,
кўзингни оч! Мени кўрқитма, қизим!" деб такрор-
ларди.

— Дадам... — шивирлади қизча ҳамон туш таъ-
сиридан ўзига келолмай, эшик томон интиларкан.
— Дадам кетиб қолдилар!

Сабоҳатнинг мижджаларини ҳам қайноқ кўз
ёшлари тўлдирди. Эри Низомжон оғир касаллик
туфайли бевақт қазо қилганига бир йилча бўлиб
қолди ҳамки, қизи бечора дадасидан айрилганига
ҳамон кўниколмаятти. Кунда-кунора тушида дада-
сини кўриб йиллаб ўмғонади, кейин бир-икки кунга-
ча ранги ўчиб юради.

"Эй, худойим-ей, шунча қулфатлар устига шу ет-
май турганди!" Юраги сиқилиб ўйлади аёл ва аини
шу лаҳзада кўнғироқли соат жиринглаб қолди. У
хушёр тортиди: соат эрталабки беш бўлибди, ишга
кетиш керак.

Сабоҳат ўрнидан турди, ошхонадан пиёлада со-
вуқ чой олиб келиб, кўз ёшлари тинган ва яна муд-
рай бошлаган қизига мажбурлаб ичирди.

— Санобар, асал қизим, ўзинг эсли қизсан-ку,
мени кўрқитмагин, илтимос! — деди қизининг юзла-
рини, сочларини силаб. — Мен ишга кетишим керак!
— Майли, бораверинг, — деди қизча онасининг
бўйнидан кучоқлаб. — Ойижон, мен ақлли қиз бўлиб
ўтираман!

— Ўзимнинг эсли қизимдан айланай, — Сабоҳат
уни бағрига босди. — Бўпти, мен ишга кеч қолмай,
қизим. Ҳали эрта, укаларинг тургунича ухлаб олгин,
хўпми?

Эшик олдида етганида Сабоҳатнинг эсига бир
нарсаси тушиб, қизининг ёнига қайтди.

— Она қизим, эрталаб турганингда оқ кўйимизга
қараб кўйгин, хўпми? Шу бўлган кўзиласе керак, деб
тун бўйи пойладим ўзиям...

Аллақачон қўзи уйкуга тортиб кетаёт-
ган Санобар онасига жавобан бош ирға-
ди. Сабоҳатнинг кўнгли жойига тушиб,
ишга жўнади. У фермада соғувчи бўлиб
ишлайди, шу сабабли уч нафар фарзандини уйда
қолдириб, эрта тонгда сигир соғишга кетади. Яхши-
ямки, тўққиз ёшли Санобари эсли-хўшлигига, она-
сининг йўқлигига билинтирмай, укаларини вақтли
уйғотади, катта укасини мактабга жўнатади, кич-
кинасини боғчага олиб боради, кейин ўзи дарсига
ётиб боришга ҳам улгуради. Кечкурун онаси ишдан
қош қорайганда келса-да, укаларини йиғлатмай,
кўрққанини билдирмай ўтиради. Фақат кейинги
пайтларда ҳадеб дадасини тушида кўраётгани чатоқ
бўляпти-да...

Сабоҳат, одатдагидек, йиғирма бошдан зиёд
сигирини соғишга берилиб кетиб, ҳамма нарсани
унутди ва бу пайтда уйда қандай ҳол юз бераётган-
нидан беҳабар қолди.

Онаси кетаётганида ухлаб қолган Санобар тўсат-
дан дераза тақиллашидан уйғонди. Бола-да, авва-
лига бир зум уйқусираб ўрнидан турмай ётди, кейин
ўзига келиб, сакраб турди.

— Ҳозир, ойижон, туряпман! — деб қичқирди у
ва яланг оёғига калишини илганча югуриб ҳовлига
чикди.

Уйқусирагани учун ҳам у ойисининг ишга кет-
ганини сезмаган, шунинг учун дарвозани қулфлаб
олишини сўраяпти, деб тушунганди. Қарасаки, ойи-
си йўқ; дарвозани ташқаридан қулфлаб, аллақачон
ишга кетган экан. Тун бўйи ёққан қор тизза бўйига
етган, ҳаво жуда совуқ эди. Иссиқ уйдан юпун югу-
риб чиққанигами, қизча титраб кетди, калишига қор

тушиб оёқлари қалтиради, уйқуси ҳам бир зумда
учди.

Санобар югуртилаб уйга кирди-да, ҳали тафти-
ни йўқотмаган ўрнига кириб олди. Бадағига иссиқ
ўтиб, ўзига келгунича бирпас ётди, аста-секин кўзи
илиниб, муздай бошлади. Шу пайт яна дераза ой-
наси секин тикиллади, боғ томонда қандайдир та-
рақлаган товуш эшитилди. Уй ичи қоронғи бўлгани
учунми, қизча чўчиб ўрнидан туриб, чироқни ёқишга
кўрқди. Тўсатдан эсига эрталардаги девлар, жин-
лар тушди. Кўрққанидан оёқлари музлаб қолаётган-
ни сезди. У оёқларини кўрпа остига тортиб, гужа-
нак бўлиб олди-да, қўрқа-писа дераза томонга кўз
ташлади. Ҳеч ким йўқ. Дераза ғира-шира ёришиб,

тунги осмон аста бўзара бошлаётгани
кўриниб турар, аммо уй ичи зим-зиё қо-
ронғи эди.

Санобар укаларининг бир маромда
пишиллаб нафас олишига қўлоқ солиб ётаркан,
тўсатдан боғ томондан дадасининг "Санобар!" деб
чақирганини эшитди. У ётган жойидан сакраб тур-
ди-ю... шу онда тўсатдан дадаси бир йилча муқад-
дам вафот этгани, энди уни ҳеч қачон чақирмасли-
ги эсига тушди. Беихтиёр кўз ёшлари қуйилиб кела
бошлади, қизча пиқиллаб йиғлаб юборди.

Ҳўрлиги келиб, соғинч ёшлари кўзларидан тўхтов-
сиз оқиб тушаркан, энди ҳовлидан дадасининг то-
вуши аниқ-тинч эшитилди:

— Санобар!

Қизча ҳамма нарсани унутди-ю, айвонга югу-
риб чикди. Айвонда туриб ғира-шира қоронғилик
қўйнидаги ҳовли саҳнага назар ташлади. Назари-
да, ошхонанинг нариги томонидага молхона эшиги
ёнида дадаси тургандек туюлди. Қизча кўзларини
катта-катта очиб тикилди: ҳа, дадаси молхонанинг
эшигини очяпти...

Шу пайтда Санобар дунёдаги ҳамма нарсани
унутди, дадасини жудаям соғинган қизчанинг
юрақчаси гупиллаб уриб кетди. У ғизиллаганча ай-
вондан тушиб, молхона томон югурди. Ҳақиқатан
ҳам, молхона эшиги ланг очил турар, ҳатто чирोगи
ҳам ёниқ эди. Қизча эшик олдида турганча инти-
зор кўзлари билан дадасини излар, аммо бу ерда

ҳеч ким йўқлигини кўриб, қалби тобора хувиллаб
борарди.

Тўсатдан Санобар бурчақдаги илгари сигир тур-
ган, ҳозир кўзилашини қуттишаётган оқ қўй ётади-
ган жойдан аянчли маъраш товушини эшитди. Ўша
томонга қаради-ю... кўзлари қувончдан чарақлаб
очирилиб кетди. Бурчақда пахтадек оппоқ, жунлари
жингалак кўзичоқ ётар ва мунчоқдек қоп-қора кўз-
ларини унга тикиб, ингичка овозда маъраб кўярди.
Оқ қўй эса, негадир қоронғи бурчакка тикилиб ол-
ганча аянчли маъраб ва тинмай оёқлари билан те-
пинарди.

Қўйнинг бу ҳаракатлари негадир қизчага қизик
туюлди ва қўй тикилаётган бурчақ томон буй чўзиб
қаради. Не кўз билан кўрсинки, илгари
сигирининг чиқиндилари тўкиладиган,
ҳозир эса қуп-қуруқ қилиб супуриб
қўйилган чўқурча ичида оппоқ нима-
дир ётар ва тинмай типирларди. Она
қўй эса ўша чўқурча тепасида бошини
пастга ётганча, тинмай маъраётганди.
Санобар чўқурча ичида нима борлигини
кўриш учун ўша томонга юрди ва паст-
да типирлаётган нарсаси оппоқ кўзичоқ эканлигини
кўрди. Ожиз, заифгина, оппоқ жунлари ҳўл кўзичоқ
совуқданми ёки бошқа сабабданми тинмай қалти-
рарди.

Санобар ҳали кўраётганларини тушуниб ул-
гурмасидан худди нимадир ундагандек бўлди ва
беихтиёр унун кўриб, теллага — яна бир оппоқ
кўзичоқ ётган жойга қараб юрди. Қизча кўзичоқ-
ни ерга қўйгани ҳамоно, унинг ортидан эргашиб
келаётган она қўй шоша-пиша боласини ялай кет-
ди. Орадан бир-икки дақиқа ўтгач, кўзичоқнинг
титраши босилди ва пешонасида тангадек қора
доғи бор бошини ерга босганча, аста кўзларини
юмди.

Санобар совлиқ кўзичоқларининг ёнига ётиб
олаётганини бирпас кузатиб турди-да, кейин мол-
хонадан чикди. Эшикни зичлаб ёпар экан, боядан
бери юпқагина кийимда юрганини ва совқотганидан
тинмай қалтираётганини энди сезди. У уй томон
юрган ҳам эдики, ёнгинасидан илиқ эпкин эсиб,
юзларини силагандек туюлди. Қизча шошиб ёнига
ўғирилганида, кечаси билан ёққан қалин қор узра
тушиб қолган катта-катта оёқ изларини кўрди. Аммо
қизча бунга ортиқча эътибор бермай, югурганча

ДОНИШМАНД

Донишманд ҳаётнинг мағзин билади,
Аллоҳнинг олдида қарзин билади.

Замону замондош кўзига боқиб,
Қалбини ўртаган арзин билади.

Ҳис этиб дунёнинг бевафоллигин,
Алмисокдан қолган тарзин билади.

Умр ўтар экан жангу жадалда,
Бурчини, ҳаққини, фарзин билади.

Шатранж донасини сурса-да моҳир,
Ўзини шоҳ эмас, фарзин билади.

ВАТАН

Ватанингни табарруқ билгил,
Илоҳий нур ёритар кўнги.

Гар қалбингда бўлмаса бу нур,
Юртингни сев, қалб туяра сурур.

Гар сурур ҳиссин ҳам сезмасанг,
Фурурлан, юрт ҳақда сўйласанг.

Ким бўлсанг ҳам ҳеч қачон фақат,
Сен Ватанга қилма хиёнат!

УСТОЗНИНГ СИРИ

Ж. Йўлдошев хотирасига

Жўра Ғаниевич —
таълим қуёши,
Серкўёш, жонажон Ўзбекистонда,
Милён устозларнинг дўсти, сирдоши,
Устози бўлдилар қутлуғ маконда.

Дедилар: фидоси бўлолсин устоз,
Ҳаёт мактабидай мактаб ҳаётин.
Бир чимдим чўғ каби меҳр солса соз,
Болалар қалбига, битиб баётин.

Турфа техникалар, сирли моддалар,
Тенгсиз формулалар, сурату тасвир...
Балки барчасини бола ёд олар,
Деворга суратлар илсанг, барибир...

Агар дўст бўлмасанг бола қалбига,
Сир каби айтмасанг сабоқларингни,
Нур сочмасанг фикр пучоқларига
Яқин этолмайсан йироқларингни...

Ақлни қайириб ишлатмоқ керак,
Қуш каби учиргил кўкка фикрни!
Қуёш бўлсин десанг шу мурғак юрак,
Ошкор этай сенга азалий сирни:

Шогирдларнинг ўзи қилсин тафаккур,
Хоҳласа, билимин сололсин куйга.
Аслида меҳр ва моҳият эрур —
Мангу педагогик технология!

САҲАР

Ёмғир ҳиди келар саҳардан,
Кўкни аста қоплайди булут.
Ҳар не кутсанг бўлар баҳордан,
Аммо жимлик, безовта сукут.

Қишлоқ яқин, мудраган шаҳар
Уйқусини бузар хўрозлар.
Булбул хомуш,
қуёшсиз саҳар
Жарангласа боғдаги созлар.

Бир-иккита ташлайди ёмғир,
Чуқур нафас олар арчалар.
Ҳаволарга тўлдириб бағир,
Қулочини очар
дарчалар...

ОҚ ҚАЙИН

Мажнунтолга ўхшайсан, қайин,
Оппоқ сулув, сочларинг узун.
Туришларинг бунчалар маҳзун.
Бу ерларда яшашинг қийин.

Бизнинг тупроқ саҳийдир, билки,
Меҳридарё бизнинг офтоблар.
Ёз чилласи танангни тоблар,
Қорайтириб юборар, балки.

Иссиқ бизда ҳатто шамоллар,
Ҳис этарсан ташналикни ҳам.
Сен соҳилда яша, маликам,
Сувга сўйлаб, сургин ҳаёллар.

ОДДИЙ ҲАҚИҚАТ

Сен хотиржам кўзуга қара,
Пешонага, қошининг устига.
Ишончли бу, қафтингдан кўра,
Тақдир изми манглай юзида.

Тушунмасанг, вақт ўтган сари
Чуқурлашиб брар бу чизик.
Умр йўлин — ажин сирларин
Аён айтар охир шу ёзиқ!

Бир қарасанг — шамолга ўхшар,
Бир қарасанг — тизма тоғ каби!
Кимдир шамол мисоли яшар,
Кимдир тоғдай — юксак матлаби!

ПУШКИН

Қадрдоним Пушкин, дуэлда
Қалтираган эмас қўлингиз.
Питердами, Москов — ҳар ерда
Қоқ нишонга теккан ўқингиз!

Манфур шоҳу, борки амалдор
Сўзингиздан титраган, албат.
Соҳибжамол, бевафо дилдор
Кўксиди ҳам қолган жароҳат!

Ҳа, юзма-юз, яккама-якка
Жангга чиқиш керак аслида.
Биз-чи, юзга боқолмай тикка,
Изҳор этолмаймиз, рости-да!

Ўртаганда юракни ҳижрон,
Чин ошиққа бу дунё надир!
Ўтай десанг замондан омон,
Айрилиқсиз висол қайдадир.

РАҚАМЛАР

Бир дақиқа ўйланг, одамлар,
Ҳар лаҳза ўзгарар рақамлар,
Кун ҳисобда, ой, йил...
Ҳаттоки,
Қадамлар саналар,
Қадамлар...

Саноклидир фалакда юлдуз.
Рақамлар келади изма-из.
Милёнинчи гўдак туғилар,
Озод бўлар мингинчи маҳбус...

Ўнта соннинг турланиши бу —
Воқеалар сирланиши-ку!
Аммо унга қилмайди парво
Ҳисоб нима, билмаган туйғу!

Санок борми алам, ташвишга,
Қалб соғинчи, ҳижрон, кўз ёшга.
Адолатнинг сони қанчадир,
Қай сон миқдор сабр-бардошга.

Фазода чарх уради сонлар,
Дунёда барқ уради сонлар.
Аммо ҳисоб йўқдир ҳисларга,
Сон ортида қолар гумонлар...

ҚОНУНЛАР ҲАҚИДА

Ёзилмаган қонунлар боқий!
Тарих тахир этган асрлар.
Дилдан дилга кўчар мисли куй —
Кар эшитар, қўрар басирлар.

ҲУМОЮН



Ким урф дейди, ким дейди одат,
Яна кимга дилдаги ҳавас.
Халқим, мангу яшайсан, фақат
Шу қонунлар бузилмаса, бас!

МАНЗАРА

Аста туша бошлар қоронғу,
Қутарилар ердан соялар.
Ногоҳ дилда уйғотар ғулу —
Ваҳимали қора қоялар.

Қурбақалар қуриллайди зап,
Шовқин солар олис-яқиндан.
Тунги қушлар учади пастлаб,
Ранглар ғойиб бўлади бирдан.

Ой янгидан туғилган кеча
Порламаса агар юлдузлар:
Тун қорайиб кетаркан бунча,
Қайтмас каби қайтиб кундузлар.

Азалдан урушда бўлмаган ғолиб,
Одамлар бир-бирин маҳв этар фақат.
Ким устун аталар, ким эса мағлуб —
Икки тарафда ҳам битта жароҳат —
Мангу малҳам топмас айрилиқ, ситам,
Мангу таскин топмас дард ила алам!

Уруш йигитларнинг мардини қирур —
Ёрини қалбига кўмади қизлар,
Оналар кўзёши дарёдай оқур,
Оталар қаддини букар афсуслар.
Аммо бор эканки ирода, сабот,
Давом этаверар музаффар ҳаёт!

ТЎРТЛИКЛАР

Шамол уруғ сочди, сочини тараб,
Юзига сув сепди ёмғир эркалаб,
Дилига ут қалаб офтоб чиққанда —
Эрини уйғонди уруғ эрталаб.

Шоир ўтди, солиб гулдурос, сурон.
Сўнгги лаҳза англаб етди оломон —
Замондош даҳо-ла яшаганини.
Шоир ўтиб кетди келажак томон!

САҚҚО — МЕҲР, ОҚИБАТ, ҚАДРИЯТ ТИМСОЛИ

Шарқ мумтоз адабиёти ўзининг мумтозлик даражасига кўтарилган образлари ва образли тасвирлари билан ҳам ажралиб туради. Шундай образлардан бири, бу саққо — беминнат сув ташувчилар образидир. Қаерда саққолар бўлса, ўша ерда меҳр-оқибат, файз-баракат устун бўлган. Темурийлар Уйғониш даврининг машҳур адаби ва воизи Хусайн Воиз Кошифий ўзининг "Футувватномаи султоний" асарида саққо образи ҳақида батафсил тўхталган. Кошифий ушбу асарида саққоларни аслида дарвешлар гуруҳига киритган ва унинг дарвешлар халқаси ҳақидаги фикрлари саққоларга ҳам тааллуқлидир. У саққоларни мазкур асарда алоҳида фаслда ҳам таҳлил ва таққин қилган.

Ўрганишимизга кўра, саққолар образи, Шайх Саъдийнинг "Гулистон", Абдурахмон Жомийнинг "Нафохат ул-унс", Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат", Кошифийнинг "Футувватномаи султоний" асарларида кишилар образи, яъни маълум бир даврда яшаб ўтган тарихий шахслар, ориф инсонлар, шайхлар образи, тарихий сиймоси сифатида маълумот берилган бўлса, Алишер Навоийнинг лирик шеърларида, хусусан, фасоҳатли ғазаллари матнида эса ифодали образ тарзида маҳорат билан қўлланганини кузатамиз.

Демак, саққо образини Алишер Навоий ижоди бўйича таққин қиладиган бўлсак, насрий асарларида гапирилган саққоларни эпик образга, лирик шеърларида тасвирланган саққоларни эса лирик образга тасниф қилиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Алишер Навоий тасвирлаган ва образли таққин қилган саққо образларида ўз даврининг муҳим маърифий, дидактик, ижтимоий ва сиёсий масалаларини қаламга олган.

Умуман, саққо образи Алишер Навоий ижодида кўп учрамайди. Агар "Насойим ул-муҳаббат" таъкираси бўйича гапирадиган бўлсак, ўн нафардан зиёд саққо — тарихий шахслар, яъни шайхлар, ориф инсонлар образини учратамиз. Лирикасида эса, уларни ифодали образ ёки ўқувчига эстетик завқ берувчи манзарали тасвирда кўрамыз. Ифодали образ характеридаги саққо образида у ўзига эга яшайдиган шайхлар шайхларнинг бой тажриба ва аънавларини жамлаган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим ишончли тарихий манбаларда ҳамда бадий асарларда саққоларни футуулар, ахиллар деб ҳам атаб келинганини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат улуғ шоир асарларида ҳам тааллуқлидир.

"Насойим ул-муҳаббат"да саққолар рутбаси, унвон, тахаллуси билан келган шайхлар номларини

ҳам учратамиз. Масалан, Алишер Навоий "Тарихи мулуки Ажам" асарида Хусрав Парвезнинг ўнга яқин ҳашамат ва ажойиботларини санаб кўрсатар экан, шулардан бири сифатида қуруқ, иссиқ кунларда сафарга чиққанда унинг бир неча юз саққо — сув сепувчи надиимлари сув селиб юришганига ишора қилган. Ҳақиқатан ҳам, бир неча юз нафар сув сепувчи саққо надиимнинг ҳукмдор йўлига сув селиб юриши тарихда жуда камдан-кам кузатиладиган ҳолат бўлгани учун Алишер Навоий Хусрав Парвезнинг саққолари ҳақида асарда шундай изоҳ берган: "Отланганда неча юз саққо муқаррар эрдик, гард маҳалида йўлга сув сепар эрдилар". Бу маълумотга таяниб саққолар тарихига диққат қилсак, демак, саққо қадимдан мавжуд бўлган образдир.

Шу ўринда саққо атамасига қисқача тўхталсак. Луғатларда саққо сўзининг асл луғавий маъноси мешкобчилар, сув ташувчилар, деб ёзилган.

Саққолар (мешкобчилар, сув тарқатувчилар) — Навоий асарларида қўлланган образ. Таъкира ва тарихий асарларидаги ориф, шайх, дарвеш саққоларни тарихий образлар ва бадий характеридаги образларга тасниф қилиш мумкин. Улар маърака тузувчи сўз аҳлининг биринчи тоифаси — ғазалхон

ва саққолар, маддохлар(ижобий буюқдор сўз маъносиди — Б.Р.)га кириди. Чунки улар мешда сув ташиб келиш ва одамларга тарқатиш баробарида, биринчидан, Оллоҳни танитиш ва ислом маърифатини сура, оятлар ёки ҳадислар мисолида билдирган бўлса, иккинчидан, ҳақимлар, шоир адибларнинг шеър, ҳикоя ва бадиҳаларини ихро қилиб, халққа маърифат ва файз етказган. Уларнинг ишидан одамлар хурсанд бўлган ҳамда уларнинг рутбаси халқ орасида жуда улуғ бўлган. Баъзи китобларда саққолик касбининг пирини Салмон Форсий деб ёзилган. Негаки, Салмон Форсий доимо елкасида

меш билан одамларнинг уйига сув ташиган. Шайх Саъдий Шерозий ҳам саққоларни ҳаёт бағишловчи мардлар, деб юксак таърифлаган.

"Насойим ул-муҳаббат"нинг Шайх Саъдийга бағишланган "Шайх Мушрифуддин Муслиҳ б. Абдуллоҳ Саъдий Шерозий қ.с." номли фикрада Саъдий Шерозий ҳам Шомда саққолик қилгани ҳақида маълумот келтирилган: "Ва кибор машойихдин кўпининг хизматига етибдур. Шайх Шаҳобиддин суҳбатига мушарраф бўлубтур ва алар била бир кемада дарё сафари қилибдур ва дебдурларки, муддати мадид Байт ул-муҳад-

НАВОЙНИ АНГЛАШ

дасда ва Шом билодиди саққолик қилиб, элга сув берур эрди. То Хиёр а.с.га етишти ва ани инъом зулоли ва афзоли оби ҳаётининг сероб қилди. Бир қатла анга содоти ақобиру ашрофидин бири била гуфтугўй воқеъ бўлди".

Навоийнинг "Тарихи мулуки Ажам" асарида ва шеърларида саққолар образи учрайди. Ушбу парча "Насойим ул-муҳаббат"дан: "Валид саққо қошига бордим, тиладимким, фақр андин саволе қилгаймен". Ёки "...муддате мадид Байт ул-муҳад-дасда ва Шом билодиди саққолик қилибдур". Даҳо шоир ҳоҳида саққони кўчма, мажорий маънода ҳам ишлатган, Оллоҳнинг қути бўлган булутларни ҳам саққолар каби сув қуювчи, сув сепувчи деб битган тасвирлар учрайди.

Ҳазрат Навоий ёзди: **Остони зебиға тонг йўқ етурсам ашқу оҳ, Гаҳ булут саққосига, гоҳи сабо фаррошиға.**

Демак, сабонинг фаррошлиғи ёки булутнинг саққолиги каби образли ифодалар, тасвирлар қадимдан мавжуд бўлган. Бу каби тасвирларни нафақат Навоий ижодида, балки Шайх Саъдий ижодида ҳам кузатишимиз мумкин. "Сабо шамол фаррошға Худо буюрди, токим зумурад каби чаманларни ёзғай. Ва доя каби баҳор булутига амр айлади, токим набот қизларини ел бешигига тарбият айлаган".

Қайси гул базминки суға, йўқса елга бермади. Бу чаманда то булут саққо, сабо фаррош эрур.

Юқорида Алишер Навоий саққо билан боғлиқ образли ифодалар, манзарали тасвирлар яратганини тилга олган эдик. Бу адабий ҳодиса, асосан, улуғ шоирнинг ғазаллари матнида келади. Кўра-мизки, кут булутларнинг беминнат сув селишини шоир аҳолига таъмасиз, миннатсиз, савоб ва ҳайр йўлида сув тарқатган дарвеш — саққоларга қийёслаган. Ўрганишимизга кўра бу қийёслар шоир ғазалларида такроран учрайди. Аммо бу каби такрор образли ифодалар ўқувчининг ғашига тегайди. Бу образли тасвир-манзара ҳам ўқувчиға маълумот, ҳам эстетик завқ беради. Чунки бунда даҳо шоир воқеликни манзаралар билан ақс эттирган. Лекин кузатишимизча, кут булутларнинг саққоларга қийёсланиши аънавий бўлиб, Навоийгача қўллаб шоирлар лирикасида учрайди.

Навоий ўз ижодида тасвирлаган саққолар образи маълум бир тарихий шахслар ҳаётини ва улар орқали тарихий жараёнлар, тарикатлар одоби ва маданий муҳитдан хабар беради. Шу билан бирга, улуғ шоирнинг ифодали тасвир яратишдаги поэтик маҳоратини намоён қилади.

Буробия РАҲАБОВА,
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими



Халқимиз азалдан шеърят шайдоси. Косибдан тортиб олиму шоиргача барча шеър ўқиган, фикрини тушунтириш учун шеърини мисол келтирган. Аммо шеър ҳаётининг узвий қисминини ташкил қилган

авлод вакиллари, глобаллашув даври таъсиридами, афсуски, анча камайган. Шунга қарамай, шеърят, айниқса, шеър матни мукамаллиги учун жонқуярликни ўз ҳаётининг мазмунига айлантирган олимлар ҳам борки, улар қаторида устозимиз Ваҳоб Раҳмоновнинг ўрни алоҳида.

МАТНШУНОС УСТОЗ

Илмда жонқуяр олим бўлиш осон эмас. Бунинг учун киши илмга ўзини бағишлаши камлик қилади, балки бутун умр илм ичиди яшаши керак. Мана шундай ахли илмлардан бири Ваҳоб Раҳмонов умр бўйи ўзбек мумтоз адабиёти, айниқса, Алишер Навоий асарлари матнлари устида ишлаб келмоқда. Устознинг фаолиятини салкам 35 йилдан бери кузатаман. Олимларимиз орасида мумтоз асарлар матнларини нашрга тайёрлаш, тузатиш, таҳрир қилиш ва масъулият билан чоп эттиришда Ваҳоб акадек кучли бир тадқиқотчини топиш мушкул. Сабаби, бундай мураккаб ишни амалга ошириш учун араб, форс, эски ўзбек тили ва, айниқса, кўлёма ўқишни яхши билиш, бундан ташқари, ўзбек адабиёти тарихи ва адабиёт назариясидан катта билимга эга бўлиш лозим. Буларнинг барчасини мужассам қилиш эса, анча меҳнат ва сабрни талаб этади.

Устознинг ўзбек мумтоз адабиёти намуналарининг хатосиз ва мукамал тарзда китобхонларга етиб бориши учун амалга оширган ва ошираётган ишлари таҳсинга лойиқ. Булардан, масалан, Алишер Навоийнинг ўнлаб асарлари, хусусан, "Ҳазойин ул-маоний", "Ҳамса" ва "Лисон ут-тайр"нинг олим масъул муҳаррирлигида кейинги йилларда бир неча марта нашр қилинганини таъкидлаш мумкин. Умуман, Ваҳоб Раҳмонов Навоий мероси нашрлари мукам-

маллиги йўлида мутафаккир шоиримиз асарларини ўнлаб, юзлаб марта ўқийвериб, ҳар бир сўзи, мисраси устида ишлайвериш улуғ шоир ижодини ёдлаб олган. Бунинг ўзи — фазилат.

Ваҳоб домла 1968 йили Самарқанд шаҳрида "Саъдий Шерозий "Гулистон"нинг ўзбек тилидаги таржималари (Октябрда бўлган давр)" мавзусида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган эди. Афсуски, бу муҳим тадқиқот китоб ҳолида нашр этилмай қолди кетди. Устоз гарчи фан докторлиги илмий даражаси учун диссертация ҳимоя қилмаган бўлса-да, норасмий жиҳатдан олиб қараганда, бир неча фан доктори даражасидаги илмий куч ва салоҳиятга эга мутахассис сифатида тан олинган десак, ўринли бўлар. Масалан, Ваҳоб Раҳмоновнинг мумтоз адабиётимизнинг кўлёмадаги матнларини жорий ёзувимизга ўғирши жараёнидаги хато ва камчиликлар, нотўғри ўқилишларни аслият — кўлёманинг ўзини кўрмай туриб топ олиши фикримизга далилдир. Бир мисол. Ваҳоб домланинг ўзидан эшитганман: устоз ўзбек мумтоз адабиёти асарларида бирининг нашини варақлаб, ундаги хатоларни айна матни чоп этишга тайёрлаган олимнинг ўзига кўрсатибди. Олим нашрда йўл қўйган хатоларини тан олибди. Кейин таажжубланиб сўрабди: "Бу асарнинг кўлёмаси

ҚУТЛАЙМИЗ

менинг уйимда турибди-ку! Сиз кўлёмани кўрмай туриб, ундаги хатони қандай топдингиз?" Ваҳоб устоз кўлёмани кўрмасалар ҳам матндаги ноаниқликларни тил мантиғидан келиб чиқиб топиш ва тўғирлаб кетиш иқтидорига эга. Бунинг исботини у кишининг ўнлаб мақола ва нашрларида кўриш мумкин.

2021 йили Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот марказида "Алишер Навоий мероси: тадқиқотлар ва таҳлилар" мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида етти жилд китоб нашрга тайёрланди. Мазкур лойиҳага университет ректори Гулчехра Рихсиева раҳбарлик қилди. Мен эса илмий раҳбар сифатида иштирок этдим. Бу китоблар "До-нишманд зиёси" нашриётида чоп қилинди. Ваҳоб Раҳмонов муҳаррир сифатида тайинланганди. Бундан биз хурсанд бўлдик. Сабаби, у кишининг қўлидан ўтган матн анча мукамал бўлиб, хатолари тузатилгани билан ажралиб туради. Бундан ташқари, Ваҳоб домла қўлидан ўтган матн илмий жиҳатдан ҳам таҳлил этиладигани, бу биз олимлар учун нур устига нур.

Устоз адабиётимиз тарихига оид матнларнинг деярли барчасини ўқиб, уларнинг хатосиз ва мукамал тарзда китобхонларга етиб бориши учун ярим асрдан бери меҳнат қилиб келади. Зеро, олим матншунослик, матн нашрларини яхшилаш масъулиятини ўз зиммаларига олган. Ваҳоб Раҳмонов — ўзбек матншунослиги виждони, сарлоқини десак арзийди. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари нашри агар Ваҳоб Раҳмонов таҳриридан ўтса ёки ўта олса, билингки, мазкур матнга бемалол таяниб, илмий хулосалар чиқарса бўлаверади.

Ваҳоб домла қўлтуғ 80 ёшни қаршилади. Шундан салкам 60 йилдан бери илмий-тадқиқот олиб боради. Устозни мубороқ айёмлари билан қўтлаймиз.

Афтондил ЭРКИНОВ,
филология фанлари доктори

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Лев Толстой – ҳар бир ёзувчи учун академиядир.

Алексей ТОЛСТОЙ,
рус адаби

Жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан бири — "Уруш ва тинчлик" роман-эпопеяси нодир истеъдод соҳиби Лев Николаевич Толстой бадий-ижодий меросининг бебаҳо хазиналаридан бири ҳисобланади.

Л.Н.Толстой ушбу асарни 1863–1869 йилларда ёзган. Ҳажман улкан, шаклан бетакрор ва мазмунан серқирра ушбу асарга муносиб ном топиш устида адаб узоқ вақт ўйланган. Ижод жараёнида "Уч кемтик" ("Три порты"), "1805 йил" ("1805 год"), "Охири хайрли ишларнинг барчаси яхши" ("Все хорошо, что хорошо кончается") деган номлардан фойдалангани манбаларда қайд этилган. Алап-оқибат эса "Уруш ва тинчлик" деган якуний тўхтамга келган.

Асарнинг бундай номланишида Л.Н.Толстой франциялик сиёсатчи, иқтисодчи, публицист, файласуф ва социолог Пьер-Жозеф Прудоннинг 1861 йилда ёзилган ва рус тилидаги таржимаси Россияда 1864 йилда нашр этилган "Уруш ва тинчлик" ("La Guerre et la Paix") фалсафий трактатидан таъсирланган бўлиши мумкин. Сабаби, Лев Толстой 1860–1861 йилларда Европа бўйлаб амалга оширган саёҳатида Прудон билан шахсан танишган. Демак, улуғ рус адаби франсуз дустининг ижодида беварқ бўлмаган. Қолаверса, XIX асрда рус жамиятида франсуз тилининг мавқеи устувор бўлгани ва Лев Толстой асарларида жумлалар франсуз тилида кўп ишлатилгани ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди, назаримизда.

Кўриниб турибдики, даҳо адиб Лев Толстой тафаккурида тобланган ва қалбида илҳом суви билан суғорилган умуминсоний ва эзгу ғояларни ушбу асарда ифодалагаша уринар экан, воқеалар ривожини, қаҳрамонлар тақдирини ва ҳусусиятларини олдиндан қатъий белгиланган

йўналишда олиб бормаган, асарни кўп марта таҳрир қилиб, ўзгартишлар киритган. Бу эса Л.Н.Толстой яшаган XIX асрда жаҳон адабиёти учун мутлақо янги ҳодиса ҳисобланган, ўзига хос жанр ва бетакрор услубдаги асар ёзилишига сабаб бўлган.

Шунинг учун ҳам Л.Н.Толстой 1865 йил 3 январда "Русский вестник" журнали ношири М.Н.Катковга йўллаган мактубида: "Мазкур асар роман ҳам, қисса ҳам эмас, унда

ёқилишда билан тамом бўлиб қоладиган ва қийқишни сўндирадиган биронта тугун ҳам йўқ. Буларни сизга ёзаётганимга сабаб шахси, мундарижада ҳам, бўлажак эълоларда ҳам менинг асаримни роман, деб атаманг. Бу мен учун жуда муҳим бўлганидан сиздан шуни илтимос қилаётман, дея таъкидлаган.

Адабиётшунослик нуқтаи назаридан Л.Н.Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" асари роман-эпопея жанрига мансуб.

Роман-эпопея — йирик тарихий воқеа-ҳодисаларни қамраб олган, уларни яхлит ҳолда батафсил ақс эттирадиган роман туридир. Одатда, роман-эпопеяларда асосий ва иккинчи қаҳрамонлар сонини нисбатда кўп бўлади.

Унинг "Уруш ва тинчлик" асари роман-эпопея жанрининг барча талабларига тўла мусофада ва жаҳон адабиётинида ушбу жанр ривожини янги босқичга олиб чиққан асар ҳисобланади.

"Уруш ва тинчлик" роман-эпопеясида Франция императори Наполеон Бонапартийнинг 1805–1807 ҳамда 1812–1814 йиллардаги ҳарбий юришлари, шу жумладан, Франция — Россия уруши воқеалари тарихи ёритилган.

Ўз асарида адиб 500 дан ортиқ бадий қаҳрамонлардан фойдаланган. Уларнинг баъзилари тарихий шахслар, баъзилари прототиплар, баъзилари эса тўқима бадий образлардир.

Асарнинг асосий ва чинакам қаҳрамони — она-Ватанини босқинчилардан мардонавор ҳимоя қилган рус халқи. Роман-эпопеяда ижтимоий келиб чиқиши ва жамиятдаги мавқеи турфа хил бўлган кишилар рус заминига бостириб келган умумий душманга қарши бир ёқадан бош чиқариб, бир сафда туриб кураш олиб борганликлари юксак маҳорат билан тасвирланган. Шу билан бирга, ҳар бир қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари ва ботиний дунёси, ўй-фикрлари ва орзу-интилишлари таъсирчан услубда ифодаланган.

Уруш ва тинчлик даврини мўқояса қилиш орқали урушнинг даҳшати ва тинчликнинг қадри ақс эттирилган. Тарихий воқеалар асосида муҳаббат, садоқат, дўстлик, ватанпарварлик ва жасорат каби эзгу инсоний туйғулар уларнинг акси бўлган қўрқат, ҳибат, душманлик, сотқинлик ва кўрқоқлик каби разил иллатлар билан таққосланган. Инсон умри ғаниматлиги, унинг ҳар онини яхшилиқ ва бунёдкорликка сарфлаш зарурлиги ибратли фалсафий-бадий мулоҳазалар орқали баён этилган.

1868–1869 йилларда "Уруш ва тинчлик" роман-эпопеяси биринчи марта алоҳида китоб шаклида нашрдан чиққан. У асарни қайта таҳрирдан ўтказиб, 1869 йилда иккинчи марта чоп эттирган. Шундан кейин ҳам адиб ҳажман улкан ушбу ижод махсулини қайта ишлаш ва таҳрир қилишда давом этган. Шу тариқа 1873 йилда роман-эпопеянинг учинчи наشري дунё юзини кўрган.

"Уруш ва тинчлик" роман-эпопеяси нашр этилган, адабий жамоатчиликнинг юксак эътирофига сазовор бўлган. Н.Страхов, В.Соколов, С.Бочаров, П.Анненков каби машҳур рус

адабиётшунослар олимлари асар ҳақида ёзган тақризларида унга юқори баҳо беришган. Масалан, адабий таниқчилар Сергей Бочаров қуйидаги фикрларни қайд этган: "Китоблар ўқувчи хотирасида қандай муҳрланиб қолиши билан характерланади. "Уруш ва тинчлик" ёрқин эпизодлар, алоҳида манзаралар билан ёдда қолади, уларнинг ҳар бири катта маънога эга". Машҳур рус шоири ва ёзувчиси И.С.Тургенев эса 1880 йилда "XIX аср" номли франсуз газетаси муҳарририга ёзган мактубида "Уруш ва тинчлик" роман-эпопеясини "буюк ёзувчининг буюк асари" дея таърифлаган.

Асар дунёнинг қўллаб тилларида таржима қилинган ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан бири сифатида бугунги кунда ҳам севиб мутолаа қилинади. У асосида сериал ва кинофильмлар суратга олинган, опера ва спектакллар сахналантирилган.

Тўрт жилддан иборат "Уруш ва тинчлик" роман-эпопеясининг биринчи жилдини 1947 йилда атоқли ўзбек адаби ва таржимони Абдулла Қаҳҳор ўзбек тилига таржимона қилган. Унинг иккинчи ва учинчи жилдини Абдулла Қаҳҳор ҳамда унинг турмуш ўртоғи, таниқли таржимон Кибриё Қаҳҳорова ҳамкорликда ўзбек тилига ўғирлиган. Роман-эпопеянинг сўнгги тўртинчи жилдини эса Кибриё Қаҳҳорова она тилимизга таржимона қилган.

Ўзбек тилида бир неча бор нашр этилган "Уруш ва тинчлик" роман-эпопеяси халқимизнинг энг сеvimли асарларидан бири ҳисобланади.

Қадрили мутолаа ихлосмандлари, жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан бири — "Уруш ва тинчлик" роман-эпопеясидан саралаб олинган ҳикматли фикрларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Ушбу ҳаётий-фалсафий мушоҳадалар маънавий оламнингизни бойитиб, сизни умумбашариёт адаби Лев Толстой ижодида яқинлаштириди, деган умиддамиз.

Дунёда бахт деган нарсга баъзан жуда адолатсизлик билан тақсими қилинар экан.

Агар ҳамма фақат ўз эътиқоди асосида урушадиган бўлса, дунёда уруш деган нарсга бўлмас эди.

Инсондаги нуқсонларнинг икки манбаи бор: бири — бекорчилик, бири — хурофот.

Бирон ёққа кетаётганида ёки ҳаётда бирон ўзгариш бўлган вақтда ўз қилмишларини ўйлаб қўриш қобилиятига эга бўлган кишилар одатан жиддий фикр ва мулоҳазалар қилади.

Стерн айтганидек, "Биз одамларни уларнинг бизга қилган яхшиликлари билан ўзимизнинг уларга қилган яхшилигимиз учун кўпроқ яхши кўрамыз".

Агар одам ўлганидан кейин нима бўлишини билса эди, ҳеч ким ўлимдан қўрқмас эди.

Кўнгил яқин — йўл яқин.

Қани энди, одам бу дунёда кимдан ёрдам сўрашни-ю, у дунёда нима бўлишини билса!

Ҳамма нарсанинг ҳеч нарсга арзимаслигидан ва англаб бўлмайдиган, лекин жуда муҳим аллақандай бир нарсанинг буюклигидан бошқа ҳеч, ҳеч тўғри гап йўқ!

Биз фақат билмаслигимизнигина биламиз. Мана шунинг ўзи инсон заковатининг энг олий нуқтасидир.

Ўлим эзгулик йўлида риёзат чеккан руҳни роҳат ва фароғатга элтиш учун бу дунёнинг қасиратидан қутқарадиган дўст.

Иероглиф — ҳис қилиб бўлмайдиган ва тасвир қилинган нарсдаги сифатларга эга бўлган нарсанинг номидир.

Инсоф ва ноинсофлик тўғрисида ўйлаш одамларнинг иши эмас. Одамлар ҳамма нарсадан ҳам кўра инсофни ноинсофликдан ажратиш тўғрисида бир умр адашган ва бундан кейин ҳам адашади.

Мен ҳаётда фақат икки нарсани чинакам бахтсизлик деб биламан: виждон азоби ва хасталик. Мана шу икки нарсга бўлмаслигининг ўзи хушбахтликдир.

Шон-шараф нима ўзи? Бу ҳам бошқаларни севиш, ўшалар учун бирон яхшилиқ қилиш, уларнинг мақтовига сазовор бўлиш деган гап.

Қонунни бажаришдан кўра, ёзиш осонроқ.

Ақмал САИДОВ,
академик

Тожикистон халқ артисти, бетақор хонанда, созанда ва бастакор Жўрабек Муродов самимиёлиги, юксак истеъдоди ва бағрикенг ижодкорлиги билан жуда кўпчилиكنинг хўрмати-ни қозонган улўф санъаткордир. Унинг афсонага айланган кенг қамровли ижоди ва ижрочилик санъати тилларда дoston. Ҳо-физнинг гўзал қалбиди турли халқларнинг куй-тароналари, шу жумладан, тожик ва ўзбек миллий оҳанглари дўстлик ришталари ила уйғунлиқда мудом ҳамоҳанг.

«ДўСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ...»

Жўрабек Муродовнинг серқирра фаолиятига назар ташлар эканмиз, унда, хусусан, устоз Ҳожи Абдулазиз Расулов йўлига издошлик ўлароқ Бухоро-Самарқанд, Фарғона-Тошкент ва Хоразм маҳаллий мусиқа услубларига ижодий ёндашуви кўрамиз. Ушбу жараёнда, энг аввало, Бухоро-Самарқанд мусиқа аъёнлари устувор эканлиги аён бўлади. Қадимдан маданият масканлари бўлган Бухоро, Самарқанд ва шу воҳаларда шаклланган "ширу шакар" (яъни халқ айтимларини ўзбек ва тожик тилларида куйлаш) аъёнаси бугунги кунга қадар маҳаллий аҳоли мусиқа ижодиётининг муҳим асосини ташкил этиб келади. Шунингдек, мумтоз адабиёт ва касбий мусиқада ҳам икки тиллилик аъёнаси азалдан мавжуд. Бунга, масалан, шу сарҳадда яшаб фаолият кўрсатган Мужрим Обид, Абдулло Мулҳам Бухорий, Фитратий Зардўзи Самарқандий, Музний Шавкатий Каттақўргоний каби зулфисонайн шоирлар ижоди ёрқин мисолдир.

Бугунги кунда ўзбек-тожик халқларининг сеvimли санъаткорлари, мақом устозлари — Жўрабек Муродов, Жўрабек Набиев, Аҳмаджон Шукуров ҳамда уларга эргашган кўп сонли шогирд ва муносиб издошларининг зулфисонайн ижоди асрий аъёна баробарида азалий дўстлигимизнинг ҳам ёрқин ва жонли ифодасидир. Хўсуан, кўп асрлик зулфисонайн аъёналаридан барокотли унум олган Жўрабек Муродовнинг ижоди ва касбий ижрочилиги ўзига хос услуби ва таровати билан ажралиб туради. "Раҳм айламайси", "Лайло", "Қўшчино" айтимларини ўзбек ва тожик тилларида бирдек гўзал ижро этишга муваффақ бўлган санъаткор мақом бобиди улўф устозларга хос иш



жриба орттирган минглаб Ўрта Осиёлик ижрочилардан бириман", дейди суҳбатлардан бирида Жўрабек Муродов. Ҳар ҳолда санъаткорнинг рубоб ва тор чалиши (масалан, "Рафти" га жўрнавотликда) ҳамда хоразмча ашула айтишида Комилжон Отаниёзов ижрочилигига монандлик сезилиб туради.

2017 йили Ўзбекистонда Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрам тантаналарига таклиф этилган Жўрабек Муродов бир қатор ижролари билан тингловчиларни мамнун этди. Айниқса, ўзбек тилида аниқ талаффуз ила ифодаланган "Феруз I" Комилжон Отаниёзов услубига ҳамоҳанглиги билан кўз ўнгимизда хоразмлик улўф санъаткор сиймосини ёрқин гавдалантирди. Мақом айтим йўлида яратилган ушбу намуна шоир, тарихчи ва таржимон Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг "устина" радибли газали билан айтилади. Ҳофиз "Феруз I" га узвий боғланган ушбу газалини

тутди. Жўрабек Муродов ижодига мансуб "Ушшоқи Душанбе" ("Ушшоқи Жўрабек") да устозларнинг йўлига эҳтиром сезилади: даромад қисмида "Тошкент Ушшоқи", авжларида эса "Самарқанд Ушшоқи" ва "Содирхон Ушшоқи"нинг ифори ўзгача таралиб туради. Лекин буларнинг барчаси Жўрабек Муродов услубига хос ижод ва ижро узвийлигида қалбимизга ажойиб гўзаллиқни жо этади. Пировардиди, кўп асрлик назира бадий тамойилининг сержило ранглар билан товланишини ва шу тариқа авлоддан-авлодга мерос ўтиб келатган қадимий куйлар ҳам доимо навқирон эканлигини кўрамиз.

Жўрабек Муродовнинг Хоразм ва Фарғона-Тошкент мусиқа услубларига

арузнинг "ҳазаж мусаммани мусабба" баҳрига мувофиқ ҳолда моҳирона "ўқидики", пировардиди куй ва сўзнинг уйғун ривожли юзага келди. Ж.Муродов Хоразм мусиқа услуби доирасида ҳам ўзининг зулфисонайн истеъдодини амалий қўллаб билди ва шу йўсинда устоз Ҳожи Абдулазиз Расуловнинг Хоразм дoston куйлари асосида ижод этган "Бозургоний"си ўзгача жозибаси касб этди. Маълумки, Фарғона-Тошкент мусиқа услубига хос "Тановар", "Чоргоҳ I", "Муножот", "Савти муножот", "Уфори муножот" сингари мумтоз айтимлар бу воҳаларда кўпроқ ўзбек шеърятига асосида ижро этиб келинган. Жўрабек Муродовнинг зулфисонайн истеъдоди

ила бу асарлар тожик тилида ҳам муҳлис-лар қалбидан мустаҳкам ўрин олди. Улўф санъаткор мазкур услуб доирасида кенг қўлланадиган турли хил ундовли-ундалма ("О, жон, фарёд-ей", "Ҳай, ёр-ей" каби) де-бачаларидан унумли фойдаланган ҳолда аксарият мумтоз айтимларни ("Чоргоҳ I", "Муножот" ва бошқа.) тингловчига ҳузур бағишловчи нақшли оҳанглар билан беэаб етказишга муваффақ бўлган.

Янада муҳим руҳий ҳолат эса Жўрабек Муродовнинг самимиё овози ва бетақорор ижрочилик санъати ила завқли ҳис қилинувчи дўстлик туйғуси билан боғлиқдир. Зотан, "Санъат — бу дўстлик" иборасини ўз ижодининг бош шiori сифатида белгиланган санъаткор кўп сонли тингловчиларни қалбини ҳам шу муқаддас туйғуга ошно этиш истеъдоди билан сийланган. Бу туйғунинг юқори пардаларида эса ўзбек-тожик халқларининг азалий дўстлиги туради. "Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийдан бошланган дўстлигимиз бугун қайта тикланмоқда. Бу дўстлиқни бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ", деганди Жўрабек Муродовнинг ўзи бу ҳақда.

Улўф санъаткорнинг ижодий фаолиятида инсонпарварлик ва дўстлик мавзулари муҳим ўрин тутишини унинг ижросидаги "Она", "Нон ушоғи", "Замин", "Дўстларни йўқотма", "ширу шакар услубидаги "Тожикистон ўғлидурман...", атоқли ўзбек санъаткори Шерали Жўраев билан ҳамкорликда куйлаган "Замон бизники" каби бир қатор ашулалари мазмунидан ҳам англаш мумкин.

Қолаверса, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг дўстлик ҳақидаги қуйидаги шoҳона мисралари Жўрабек Муродовнинг Ўзбекистонга таширифи чоғида тез-тез тилга оладиган сеvimли ибораларидир:

**Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам.
Дўст қадам қўймас эса,
Вайронадир қошона ҳам.**

2018 йили Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Тожикистон ва Ўзбекистон маданияти ва санъати вакилларининг "Дўстлик оқшони" тантанали концертида айнан шу мисралар ширу шакар тарзида Шерали Жўраев ва Жўрабек Муродов ҳамнафаслигида дўстлик мадҳияси янглиғ баралла янграган эди.

Оқилхон ИБРОҲИМОВ

БАҲОРИЙ МУСИҚА БАЙРАМИ

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "OPERETTA. UZ" биринчи халқаро форуми санъат ихлосмандларига ажойиб баҳорий тўхфа бўлди. Форумнинг илк куниди тадбир қатнашчилари учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида қабул маросими бўлиб ўтди. Қабулда Мусиқий театрлар ассоциацияси президенти Г.Исаакян, "Санкт-Петербург опера" давлат камер мусиқали театри директори Е.Малигин, Новосибирск мусиқали театри директори Л.Кипнис, Санкт-Петербург "Зеркаль" болалар мусиқий театри директори А.Мустакимов қатнашди.

Тадбир олдида ташкил этилган матбуот анжуманида Ўзбекистон мусиқали (оперетта) театри директори Б.Ғаниев форумнинг ташкил этилиши ва мақсади ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди:

— Театримиз 2019 йили Оперетта театри ассоциациясига аъзо бўлган. Ўтган йилли Россияда ўзбекнинг бетақорор санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳаёти ва ижодига бағишланган спектаклимизни намойиш этдик. Биз ўзбек театрлари орасида биринчилардан бўлиб қўшилган Оперетта театрлари ассоциацияси ўзига Евроосиё мамлакатларининг 32 та мусиқали театрини қамраб олган. Ушбу ассоциацияни тузишдан асосий мақсад турли миллат санъаткорлари ўртасида ижодий ҳамкорлик доирасини кенгайтириш, мусиқали театр санъатини янада ривожлантириш, халқаро маданий муносабатлар доирасини кенгайтириш, театрлар ва ижодкорлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш жараёнини ҳамда гастроль сафарларини мунтазам йўлга қўйишдан иборат.

Тадбир доирасида маҳорат дарслари, семинарлар, актёрлик маҳорати, асарни саҳналаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, хоржий меҳмонлар пойтахтимиздаги Ўзбекистон Амалий санъат музейида, Мустақиллик майдонида бўлдилар, пойтахт метросида бўлиб, Амир Темур номидаги бекат ва майдонни томоша қилдилар. Қадим ва ҳамиша гўзал Самарқандга саёҳат давомида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримовнинг мемориал комплекси Ҳазрати Ҳизир, Шoҳизинда мавзолейи, Бибиҳо-

ним мажмуаси, Регистон майдони, Улўфбек, Тилқори, Шердор мадрасалари, Мирзо Улўфбек обсерваториясини бориб кўрдилар ва бой таассуротга эга бўлдилар.

Муҳими, форум давомида олдинда турган вазифаларга бир назар ташлаб, маълум режалар белгилаб олинди. Жумладан, Новосибирск театри директори Л.Кипнис Ўзбекистон оперетта театри жамоасини ўзларида ўтказилган халқаро фестивалга таклиф этди. Ушбу фестиваль "Другие берега" мусиқали театри базасида ўтказилади. Бундан ташқари, юртимиз оперетта санъати усталари Москвага гастроль сафари уюштиришни режалаштирган. Назаримизда, жамоа учун бу муҳим воқеа бўлади. Маълумки, бир йилдан сўнг Ўзбекистон оперетта театри ярим асрлик юбилейини нишонлайди. Шу муносабат билан А.Журбин ўз асарларидан бирини театрга совға қилишини айтди. Зеро, ҳар қандай мусиқали театр учун янги ва яхши мусиқий асар бебаҳо совғадир.

"OPERETTA. UZ" I халқаро форуми ёпилишига бағишланган тантанали гала-концерт пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида бўлиб ўтди. Мазкур концертада Ўзбекистон мусиқали (оперетта) театри ва Россия мусиқали театрларининг етакчи санъаткорлари қатнашди. Концерт сўнгиди барча қатнашчилар форум учун махус эзилган "Оперетта гимни"ни ижро этишди. Форум меҳмонларига сертификатлар, эсдалик совғалари топширилди.

Гулчеҳра УМАРОВА

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

1998 йилдан буён болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейлари ўртасида ўтказиб келинаётган "Санъат ғунчалари" қўрик-танловининг бу йилги финал босқичига старт берилди. Шу му-

Байрамона концерт дастурида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг ўринбосари С.Мамаюсупов, Ўзбекистон бастакорлари ва композиторлари уюшмаси раиси Р.Абдуллаев иштирок этиб, ушбу танлов миллий



носабат билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий мусиқа академик лицейининг конферен залиди матбуот анжумани таъкидлади. Матбуот анжуманидан сўнг "Санъат ғунчалари" дамли ва зарбли чолғу ижрочилари XXIII Республика танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Бу йилги танловнинг саралаш босқичида (мингдан зиёд иштирокчи орасидан танлаб олинган) 143 нафар ижрочи қатнашди. Кичик гуруҳ (11-13 ёш) ва катта гуруҳ (14-15 ёш) иштирокчилари ўртасида ўтказилган ушбу танлов ёғоч-дамли, мис-дамли ва зарбли чолғулар йўналишлари бўйича олиб борилди. Иштирокчилар ўзбек ва жаҳон мумтоз композиторлари асарларидан тузилган дастурларни ижро этишди. Тадбир сўнгиди республикамизнинг турли ҳудудларидан таширф буюрган иштирокчилар пойтахтимизнинг энг кўзга кўринган тарихий обидалари, музейлари ва "Тошкент Сити" мажмуасига саёҳат қилишди.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залиди танловнинг тантанали ёпилиш ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда 63 нафар иштирокчи биринчи, иккинчи, учинчи ўрин қолиблари деб эълон қилинди. Қолиблар диплом, эсдалик ҳайкалчалари ҳамда "Соғлом авлод" халқаро хайрия фондининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга катта ҳисса қўладиган муҳим лойиҳалардан бири эканини таъкидлашди, келгусида халқаро миқёсда ўтказилишини маълум қилдилар. Мусиқа санъатини кенг тарғиб қилишга қаратилган бу каби танловлар келгусида қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларга ўзларини жиддий мусиқачи ва артист сифатида танитиш, профессионал тажриба алмашиш ҳамда етук мутахассислардан қимматли маслаҳатлар олиш имконини ҳам беради.

Дамли ва зарбли чолғу ижрочилари "Санъат ғунчалари" XXIII республика танловининг ёпилиш маросимига бағишланган концерт дастурида республика ва халқаро танловлар лауреатлари ҳамда Ҳарбий мусиқа академик лицейи оркестри ўз мусиқий чиқишлари билан иштирок этди. Тадбир сўнгиди иккита вилоят ҳамда Ҳарбий мусиқа академик лицейига "Yapaha" компаниясининг қимматбаҳо чолғу асбоблари совға қилинди.

Дилдора КАМАЛОВА,
Ҳарбий мусиқа академик лицейи катта ўқитувчиси

ШАХСИЙ ФИКР

Азалдан мусиқа миллатнинг қадриятлари, урф-одатлари, маданияти ва маърифати ҳамда аёлларнинг латофати-ю, йигитларнинг баҳодирлигидан сўзлайди. Қўшиқ тинглаётган инсон аини ҳамда ҳам йиғлаши, ҳам кулиши мумкин. Бунга яққол мисол тариқасида бир афсонани эслаш ўринли. Унга кўра, бир санъатсевар мусиқа асоби-ни чалганида, сарой аъёнлари хандон отиб

БАЧКАНАЛИК САНЪАТДАН БЕЗДИРАДИ

кулишган, бошқа мусиқани чалганида хўнграб, дод солиб йиғлашган, яна бир мусиқа давомида мудраб ухлаб қолишган. Мана шу — мусиканинг кучи, сеҳри, таъсири ҳамда оҳанграбоси.

Очиги, телевизори кам кўраман. Аммо кунли кеча бир "ажойиб" қўшиқни эшитиб, ҳайратдан хангу манг бўлиб қолдим:

**Бўш-бўш, мени оздирди
ақлимдан қалам қош, қош-қош.
Гапларимга жавоб бермайди,
юраги — э тош.**

Мазкур тўплам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоир Ғайрат Маҳиднинг публицистика йўналишидаги иккинчи китобидир. Унинг "Бунда булбул китоб ўқийди..." номли дастлабки тўплами республикамизда истеъдодли ёшлар мактаб-интернатлари — ижод мактаблари ташкил этилишига бағишланган эди.

"Йулдаман, нури йўлда" номли мазкур мажмуа эса ўз қамрови, мавзу ранг-баранглиги, ифода услуби билан аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Бошқача айтганда, мазкур китоб шеърятдаги изланишлари билан адабий жамоатчилик эътирофини қозониб келатган ижодкорнинг яна бир қирраси — публицистикадаги иқтидорли, энг муҳими, ўз Ватани, халқи тақдирига бефарқ бўлмаган зиёли инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида тўла тасаввур бера олади, десак янглишмаймиз.




Ғайрат МАҲИД
"Йулдаман, нури йўлда"
"Сахҳоф" нашриёти,
2022.



Комил ХОРАЗМИЙ
"Жалолиддин Румий"
"Tamaddun" нашриёти,
2022.

Шоир Комил Хоразмий тарихий шахспар ҳаёти ва фаолиятига доир дostonлар билан танилган. Жумладан, у Абу Райхон Беруний, Феруз ва Муҳаммад Ризо Оғаҳий каби мутафаккирлар сиймоларининг бадий талқинини яратган. Навбатдаги дostonида эса умумбашарият алломаси мақомида жаҳонда эътироф қилинган Мавлоно Жалолиддин Румий шажараси, унинг ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган.



Комил ХОРАЗМИЙ
"Буюк Беруний" (қорақалпоқ тилида)
"Turon iqbol" нашриёти,
2021.

Оламшумул аллома Абу Райхон Беруний ёзган асарлар руҳини майда ҳарфлар билан ёзилса, олтимш саҳифали китобча бўлар экан. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоир Комил Хоразмийнинг мазкур дostonида улўф аллома ҳақидаги қўллаб-қизқарли маълумотлар киритилган.

Аллома тўғилиб ўсган табаррук замин мадҳи, қадимий тарихи, Абу Райхон Беруний бошидан кечирган азоб-уқубатлари, сериура илмий ва ижодий фаолияти тарихий манбалар асосида тасвирланган.

